

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.29.12.2018 Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ЭРКАЕВ АРДАШЕР МАМАРАХИМОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ТАРКИБИДА ЭПОКСИ  
ГУРУҲ ТУТГАН БИРИКМАЛАР ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

**02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

Эркаев Ардашер Мамарахимович Маҳаллий хомашёлар асосида таркибида эпокси гуруҳ тутган бирикмалар олиш ва қўллаш.....	3
Эркаев Ардашер Мамарахимович Получение и внедрение эпоксисодержащих соединений на основе местных сырьевых ресурсов.....	21
Erkaev Ardasher Preparation and implementation of epoxy-containing compounds based on local raw materials.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.29.12.2018 Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ЭРКАЕВ АРДАШЕР МАМАРАХИМОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ТАРКИБИДА ЭПОКСИ  
ГУРУҲ ТУТГАН БИРИКМАЛАР ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

**02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/T557 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.termsu.uz](http://www.termsu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нурқулов Файзулла Нурмунинович**  
техника фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сидиқов Абдужалил Сидиқович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.29.12.2018.Т.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй.Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй.Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Т.Джалилов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
к.ф.д., проф., академик

**С.З.Ходжамкулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц.

**Х.Ч.Мирзакулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида герметиклар, модификаторлар ва коррозияга қарши қопламалар ишлаб чиқишда эпоксид олигомерлар шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Бугунги кунда кимё соҳасида қотувчи эпоксид олигомерларга бўлган талаб уларни ишлаб чиқариш ҳажмининг катта қисмини ташкил этади. Кимё саноатида эпоксид олигомерлар асосидаги модификаторларга бўлган талабнинг улуши 60%. Бунинг сабаби уларнинг агрессив муҳитлар таъсирига барқарорлиги ва елимларни ҳароратнинг кенг интервалида ишлатиш мумкинлигидир.

Бугунги кунда жаҳонда таркибида азот, фосфор ва олтингугурт бўлган эпоксид олигомерлар ҳамда полимер материаллар сифатини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига эътибор қаратилмоқда. Бу борада таркибида азот, фосфор ва олтингугурт бўлган функционал гуруҳли реакцион фаол эпоксид олигомерлари маълум илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Бунда таркибида азот, фосфор ва олтингугурт бўлган эпоксид олигомерлардан юқори самарали герметиклар, модификаторлар ва антикоррозион қопламалар олиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб ушбу олигомерларнинг синтез жараёнини технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда кимё саноатини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг хомашё базасини маҳаллийлаштириш ва улар асосида импорт ўрнини босадиган янги турдаги композицион материаллар ишлаб чиқариш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»<sup>1</sup> га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашёлар асосида герметикловчи материалларни ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «VII. Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эпоксид олигомер ва полимер композицияларини синтези ва модификациялаш Baljinder Kandola, Robert M. Waymouth, Kenneth A. Ellzey, W. Millins, P. K. Patra, R. Kerry Rowe, De-Yi Wang, Ю. Н. Хакимуллин, А. К. Микитаев, Н. А. Кейбал, В.Ф. Каблов, А.Т. Джалилов, А.С. Ибодуллаев, Ф.А. Магруппов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар оловбардош материаллар, антикоррозион қопламалар ва герметиклар олиш технологиясининг ривожланишидаги асосий йўналишлари қурилиш ва саноат композицияларини самарасини оширишга қаратилган. Темирбетон, темир ва полимер конструкцияларини хизмат даврини узайтириш, уларнинг эксплуатацион хоссаларини яхшилаш саноат ва қурилиш темир конструкцияларини сифатини оширишдаги умумий вазифаларни ечимидан ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

Шу билан бирга, оловбардош материаллар, герметиклар ва антикоррозион қопламалар сифатини оширишнинг асосий йўналишлари индивидуал ва полифункционал таъсирларга эга органик модификаторлар қўллашни ўз ичига олади. Оловбардош материаллар, герметиклар ва антикоррозион қопламалар модификациялаш оддий усуллар орқали герметиклар самарасини ошириш, металлларни қоплаш, полимернинг оловбардошлигини ошириш ва шу каби мақсадларда фойдаланиш имконини яратади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А 12-002 «Маҳаллий хом ашё асосида синтетик каучук ва эпокси қатронлар учун ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш», А 12-001 «Маҳаллий хомашёлар асосида янги эпокси полиуретан қопламаларини ишлаб чиқариш» ва А12-007 «Маҳаллий хомашёдан сулфоҳлорли полиэтилен ишлаб чиқариш ва уни каучук, елим ва қоплама сифатида фойдаланиш» мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эпоксид гуруҳларни ўз ичига олган моддаларга асосланган, таркибида фосфор, азот, металл тутган янги олигомерлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва улар асосида полимер композит материаллар тайёрлашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

янги юқори самарали фосфор, азот, металл тутган эпоксид олигомерларни олиш ва уларнинг синтези учун оптимал шароитларини ўрганиш;

фосфорли, азотли ва металл эпоксид олигомерларнинг физик-кимёвий, физик-механик хусусиятларини ҳамда тузилишини ўрганиш;

эпоксид гуруҳларига эга бўлган фосфорли, азотли олигомерлар асосида полимер композицион материалларни яратиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш;

фосфор, азот, металл тутган эпоксид олигомерларнинг ёнғинга чидамлилиги, антикоррозион ва физик-механик хусусиятларини ўрганиш ва бу олигомерларнинг техник – иқтисодий самарадорлигини асослаш.

**Тадқиқот объектлари:** карбамид, тиомочевина, металл оксидлари, формалин, меламин, эпихлоргидрин, аддуктлар ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети:** таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган эпоксид олигомерлар синтези, эпоксид олигомерларини модификациялаш жараёни, модификацияланган эпоксид олигомерлар ва улар асосидаги герметиклар, модификаторлар ва қопламаларнинг физик-кимёвий ҳамда физик-механик хоссаларини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Эпоксид смолаларининг физик-кимёвий хусусиятлари ва кимёвий таркиби ИҚ спектроскопияси, дифференциал термик, рентгенфазавий ва электрон микроскопик таҳлили усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида, фосфор, азот, металл таркибили эпоксид олигомерлар олинган;

эпоксид гуруҳларига эга бўлган фосфор, азот ва металл олигомерларнинг физик-кимёвий хусусиятлари аниқланган;

синтез қилинган эпоксид олигомерларининг таркиби ва хусусиятлари аниқланган;

фосфор, азот ва металл тутган эпоксид боғловчилар асосида полимер композит материаллар олинган ва уларнинг хусусиятлари аниқланган;

фосфор, азот, металл тутган эпоксид олигомерларнинг ёнғинга чидамлилиги, антикоррозион ва физик-механик хусусиятлари аниқланган ҳамда янги турдаги антикоррозион қоплама таркиблари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида фосфор, азот ва металл гуруҳли эпоксид олигомерлари олинган ва улар асосида боғловчилар, елим ҳамда антикоррозион қопламалар таркиблари ишлаб чиқилган;

фосфор, азот ва металл гуруҳли эпоксид олигомерларни полиэтиленни юқори тўлдирувчилар билан ҳосил қилган композитларда боғловчилар сифатида қўллаш натижасида юқори оловбардош хоссага эга полимер материаллар ишлаб чиқилган;

фосфор, азот ва металл гурухли эпоксид олигомерлар асосида атмосфера ва агрессив муҳитлар таъсирига чидамли антикоррозион қоплама ишлаб чиқилган;

фосфор, азот ва металл гурухли эпоксид олигомерлар асосида олинган композитларнинг иссиқлик ва оловбардошлиги хоссалари аниқланган;

фосфор, азот ва металл гурухли эпоксид олигомерлар асосида антикоррозион қопламалар олиш бўйича техник ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** олинган моддаларни идентификациялашда замонавий, юқори информацион физик-кимёвий усуллари (ИК, ДТТ, РФА, SEM-EDX) ва кимёвий тадқиқотлардан фойдаланилганлиги ва ишлаб чиқилган эпоксид олигомерлар ҳамда улар асосида елимлар, модификаторлар ва қопламаларни олиш технологияси, уларнинг қўлланиши тажриба-саноат синовларида апробация қилинган ҳамда ишлаб чиқаришда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олдиндан маълум хусусиятларга эга бўлган азот, фосфор ва металл сақлаган эпоксид олигомерлари асосида композицион материаллар ишлаб чиқаришнинг илмий асослари яратилганлиги билан белгиланиб, олинган илмий тадқиқот натижаларининг умумлаштирилиши билан комплекс хоссалари яхшиланган композицион материаллар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган эпоксид смолаларини елимлар, герметиклар ва антикоррозион қопламалар сифатида амалиётга жорий этиш ва яратилган технологик схемаси бўйича саноат кўламида турли соҳаларда ишлатиш мумкин бўлган композицион материаллар олиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Маҳаллий хомашёлар асосида таркибида эпокси гуруҳ тутган бирикмалар олиш ва қўллаш бўйича олинган натижалар асосида:

азот ва фосфор сақлаган эпоксид смолалари асосида елим композицияни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти олинган (IAP 05554, 2018). Натижада яратилган усул маҳаллий хомашёлар асосида елим композицияларини олиш имконини берган;

маҳаллий хомашёлар асосида эпоксид олигомерлари ишлаб чиқаришни технологик жараёнлари «Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсноат» АЖнинг 2019 йил 8 апрелдаги 01/3-1944/К сон маълумотномаси). Натижада полиэтилен учун термик чидамли модификаторлар ишлаб чиқариш имконини берган;

тиомочевина, мочевина ва аммофос асосида олинган эпоксид олигомерларини «Kafolat rezina» МЧЖ да амалиётга муваффақиятли амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсноат» АЖнинг 2019 йил 8 апрелдаги 01/3-1944/К сон маълумотномаси). Натижада термик чидамли ва механик муштаҳкам модификаторлар ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та ихтрога патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли хил қотирувчи бирикмалар иштирокида қотирилган эпоксид смолалари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар асосидаги материаллар таҳлили, эпоксид олигомерларининг химёвий таркибини қўллашни ўрганиш келтирилган. Эпоксид смолалари самарадорлиги ўрганилган.



Диссертациянинг «**Фосфор, азот ва металл тутган эпоксид олигомерларнинг синтези ва физик-химёвий хусусиятлари**» деб номланган иккинчи қисмида синтез усуллари ўрганилган.

Аралаштиргич, термометр ва совутгич билан жиҳозланган уч оғизли колбага, 20 г тиомочевина ва 0,3 г диэтиланилин катализатори солинади. Реакцион масса 15-20 дақиқада 70 °С да эритилади. Сўнгра 75 °С ҳароратда 80 г эпихлорогидрин солинади. Шундан сўнг реакция аралашма 100 °С ҳароратда шаффоф масса ҳосил бўлгунга қадар қайнатилади. Ҳарорат 70 °С га туширилгач, 100 мл 40% натрий ишқори эритмаси солинади.

Олинган маҳсулот филтрланади ва сув билан ювилади. Жами сарфланган вақт 1,5 соатни ташкил қилади. Маҳсулотнинг рентабеллиги 95,8% ни ташкил этди.

Тадқиқотлар турли шароитларда бир-неча бор ўтказилди. Олинган олтингугуртли эпоксид олигомери (тиомочевина, диэтиланилин ва эпихлорогидрин асосида олинган эпоксид олигомерлари) СЭД-1 нинг унуми ҳарорат, бошланғич моддаларнинг нисбати ва реакциянинг давомийлигига ва катализатордан фойдаланишга боғлиқдир.

Янги олтингугурт тутган эпоксид боғларнинг синтези ва ҳарорат, бошланғич моддаларнинг нисбати каби кўрсаткичларни ўз ичига олган синтезнинг оптимал шароитлари ва олинган моддаларнинг ИҚ спектрлари ўрганилди. 2.1-расмда. Эпоксид боғловчисининг ҳароратга боғлиқлиги эпихлоргидрин ва тиомочевинанинг қуйидаги нисбатларида кўрсатилган. Нисбатлар: 1-5:1; 2-1:1; 3-1:5. Реакцияни олиб бориш шароити 100 ° С ҳароратда 1,5 соат давомида.



**1-расм. Эпоксид боғловчиси унумининг ҳароратга боғлиқлиги:**

Эпихлоргидрин ва тиомочевина нисбатлари 1-5:1; 2-1:1; 3-1:5

**2-расм- 100°С ҳароратда катализаторнинг реакция унумига таъсири:**

1-Диэтиланилин; 2 - Ионли суюқлик; 3-Рух оксиди.

1-расмдан кўриниб турибдики, эпихлоргидриннинг тиомочевина билан реакциясидан эпоксид боғловчисининг юқори унуми мос келадиган энг оптимал ҳарорат 100 °С га тенг. Кейинчалик ҳароратнинг ортиши эпоксид боғловчисининг чиқиш унуми пасайишига олиб келади.

Олтингугуртли эпоксид олигомери СЭД-1нинг синтези 100 ° С да 1,5 соат давомида ҳар хил катализаторлар билан амалга оширилди. Реакцияларнинг самарадорлиги ўрганилди. Реакция маҳсулоти унуми катализатор сифатида диэтиланилин қўлланилганда юқори кўрсаткични кўрсатди (2-расм).


**1-жадвал**

**Олтингугурт сақлаган эпоксид смоласи эритмаларининг қовушқоқлиги.**

№	Олигомер номи	Эритма концентрацияси, %	$\eta_{\text{нис}}$	$\eta_{\text{сол}}$	$\eta_{\text{кел}}$	$\eta_{\text{лог}}$	$\eta_{\text{хв}}$
1	Олтингугурт сақлаган эпоксид смоласи	1	1,10	0,1	0,1	0,095	0,07
		0,5	1,04	0,04	0,08	0,73	
		0,25	1,01	0,01	0,05	1,3	

1-жадвалда суялтирилган олтингугуртли олигомер эритмалари учун вискозиметрик ўлчовлар натижалари кўрсатилган. Олигомер эритмаларининг қовушқоқлигини аниқлаш учун Уббелодде капилляр вискозиметридан фойдаланилган. Ўлчаш усули доимий 22 ° С ҳароратда эритувчининг ўзини, сўнгра

турли концентрацияли (концентрацияси 1% бўлган эритма тайёрланиб, кейинчалик эритма 1: 0,5:0,25% ли концентрацияларгача суюлтирилади) эритмаларнинг вискозиметр капилляридан ўтиш вақтини ўлчашга асосланган; 1-жадвалга биноан, диаграмма тузилди (3-расм) ва олигомерларнинг ковушқоқлиги диаграммадан аниқланди.



**3-расм.  $\eta_{уд}/C$  ёки  $\ln \eta_{отн}/C$  нинг олтингугурт сақлаган эпоксид смоласи концентрациясига боғлиқлиги.**

2-жадвалда мақбул шароитда ( $t = 100^\circ C$ ,  $t = 1.5$  соат) эпихлорогидрин ва тиомочевина нисбатлари 5:1 бўлганда олинган СЭД-1 маркали олигомернинг физик-кимёвий хоссалари кўрсатилган. Олинган олигомер бирикма СЭД-1 ковушқоқ моддадир.

**2-жадвал**


**СЭД-1 маркали олигомернинг физик-кимёвий хоссалари**

№	Ташқи кўриниши	Қуюқ, ковушқоқ, сарғиш жигарранг тусли.
1	pH	7
2	Зичлиги ( $25^\circ C$ ), г/см <sup>3</sup>	1,1
3	Учувчан моддаларнинг масса улуши, %, кўп бўлмаган	1,5
4	Хлор ионининг Массовая масса улуши, %, кўп бўлмаган	0,1
5	Барча хлорнинг масса улуши, %, кўп бўлмаган	5
6	Эрувчанлиги	Органик эритувчиларда эрийди

ИҚ спектри шуни кўрсатмоқдаки, олтингугурт сақлаган эпоксид олигомери ютулиш чизиғи боғларнинг спектрнинг  $2850\text{ см}^{-1}$  соҳасидаги валент тебранишларига тўғри келади, олигомер ИҚ спектри соҳаларида  $-CH_2$  – гуруҳга таълуқли ютилиш чизиқлари мавжуд,  $1340\text{ см}^{-1}$  соҳаларидаги ютилиш чизиқлари углерод ва водород тутган гуруҳларга тегишли. ИҚ спектрларининг  $1650\text{ см}^{-1}$  соҳасидаги ютилиш чизиқлари эркин  $-CONH_2$  гуруҳлари борлигини ва  $3300-3440\text{ см}^{-1}$  соҳаларидаги ютилиш чизиқлари иккиламчи  $-CONH-$  гуруҳлари мавжуд эканлигини кўрсатади. ИҚ

спектрларидан кўриш мумкинки,  $3000-3050\text{см}^{-1}$  соҳаларида ютилиш чизиқлари мавжуд.

Ушбу ютилиш чизиқлари эпоксид халқасига тегишли,  $750-950\text{ см}^{-1}$  соҳаларидаги ютилиш чизиқлари халқанинг ассиметрик валент тебранишга хослигини кўриш мумкин.




**4-расм. СЭД-1 маркали олтингугурт сақлаган эпоксид олигомерининг ИҚ-спектри**


ИҚ спектрларининг  $800-600\text{см}^{-1}$  соҳасидаги ютилиш чизиқлари углерод ва олтингугурт сақлаган (-C-S-) гурухлари борлигини ва  $450-550\text{см}^{-1}$  соҳаларидаги ютилиш чизиқлари -C-C- гурухлари мавжуд эканлигини кўрсатади. (4-расм).

**«Фосфор, азот ва металл тутган эпоксид олигомерларнинг таркибий қисмлари ва уларнинг композитларнинг хусусиятларига таъсирини ўрганиш»** мавзусидаги учинчи бобда эпоксид смолалар тайёрлашга бағишланган.

Полиэтиленга 12% тўлдирувчи ва СЭД-1 антипирени аралашмасини кўшиб тайёрланган намунасининг дериватограмма эгри чизиғида 110, 128, 181, 430, 586, 736 °C ларда бешта эндотермик эффектлар ва 238, 340, 367, 378, 510, 618, 695 ва 750 °C да тўққизта экзотермик эффектлар аниқланди. Термогравиметрия эгри чизиғининг  $60-900^{\circ}\text{C}$  ҳарорат интервалида массанинг умумий камайиши 55,45% ни ташкил қилди (5-расм).




**5-расм. СЭД-1 маркали эпоксид олигомери намунасининг дериватограммаси**




**6-расм. МДЭ маркали эпоксид олигомери намунасининг дериватограммаси**

МДЭ (мочевина, дигликольтерефталат, диэтиланилин ва эпихлоргидрин асосидаги эпоксид олигомер) намунасининг дериватограмма эгри чизиғида 145, 161, 640, 764°C ларда тўртта экзотермик эффектлар ва 236, 278, 380, 518, 675 ва 841°C да олтига экзотермик эффектлар аниқланди. Термогравиметрия эгри чизиғининг 60-900°C ҳарорат интервалида массанинг умумий камайиши 73,0% ни ташкил қилди (6-расм).

САЭД-3 (тиомочевина, дигликольтерефталат, диэтиланилин ва эпихлоргидрин) намунасининг дериватограмма эгри чизиғида 105, 130, 185, 340, 761°C ларда бешта эндотермик эффектлар ва 250, 320, 360, 495 ва 630°C да бешта экзотермик эффектлар аниқланди. Термогравиметрия эгри чизиғининг 80-900°C ҳарорат интервалида массанинг умумий камайиши 63,52% ни ташкил қилди (7-расм).




**7-расм. САЭД-3 маркали эпоксид олигомери намунасининг дериватограммаси**




**8-расм. ТДЭ маркали эпоксид олигомери намунасининг дериватограммаси**

ТДЭ (мочевина, цианур кислотаси ва эпихлоргидрин) намунасининг дериватограмма эгри чизиғида 135, 189, 248, 296°C ларда тўртта эндотермик эффектлар ва 279, 465 ва 658°C да учта экзотермик эффектлар аниқланди. Термогравиметрия эгри чизиғининг 80-900°C ҳарорат интервалида массанинг умумий камайиши 70,45% ни ташкил қилди (8-расм).

МЦФЭ (мочевина, цианур кислотаси, формалин, кальций гидроксиди ва эпихлоргидрин) намунасининг ДТА дериватограмма эгри чизиғида 76, 135, 160, 195, 320, 400, 510, 760°C ларда саккизта эндотермик эффектлар ва 250, 285, 365, 465, 570 ва 645°C да олтига экзотермик эффектлар аниқланди.



**9-расм. МЦФЭ маркали эпоксид олигомери намунасининг дериватограммаси**



**10-расм. МФЭ маркали эпоксид олигомери намунасининг дериватограммаси**

Термогравиметрия эгри чизиғининг 60-900°C ҳарорат интервалида массанинг умумий камайиши 73,45% ни ташкил қилди (9-расм).

МФЭ (формалин, кальций гидроксиди, мочевино ва эпихлоргидрин) намунасининг дериватограмма эгри чизиғида 123, 140 °C ларда иккита эндотермик эффектлар ва 276, 330, 364, 455 и 538°C да бешта экзотермик эффектлар аниқланди. Термогравиметрия эгри чизиғининг 80-900°C ҳарорат интервалида массанинг умумий камайиши 98,66% ни ташкил қилди (10-расм).

Юқорида келтирилган олтита намунада олиб борилган термик изланишлар, намунанинг термик ҳолати унинг таркибига, компонентларнинг табиати ва композицион материалнинг олиниш технологиясига боғлиқлигини кўрсатади.

Полиэтиленнинг СЭД-1, МДЭ, САЭД-3, ТДЭ, МЦФЭ ва МФЭ билан модификацияланган намуналарининг масса йўқотиш кинетикасининг ҳарорат оширилишига боғлиқлиги 5, 6, 7, 8, 9, 10 расмларда кўрсатилган. Расмлардан шуни кўриш мумкинки олинган ҳароарт интервалидаги массанинг йўқолиши куйидаги жараёнларга боғлиқдир: олигомернинг оксидланиши, учувчан моддаларнинг ажралиши билан парчаланиши ва бошқа жараёнлар. Ҳароратнинг ошиши билан ТГА эгри чизиғидаги массанинг камайиши СЭД-1, МДЭ, САЭД-3, ТДЭ, МЦФЭ ва МФЭ маркали қотирилган фосфор, азот ва металл сақлаган эпоксид олигомери деструкциясининг давом этганлиги билан ифодаланади.

ДТА ва ТГА тадқиқотлари маълумотларига асосланиб турли ҳарорат интерваллари учун кинетик параметрлар аниқланди. Олинган маълумотларга таянган ҳолда барча ҳарорат диапазонларида ҳар бир намуна учун кинетик хусусиятларни ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб, 493К дан 1173 К гача бўлган ҳарорат интервалидаги жараёнлар кинетикасидан олинган тадқиқот маълумотларига таяниб СЭД-1, МДЭ, САЭД-3, ТДЭ, МЦФЭ и МФЭ олигомерларининг термооксидланиш деструкциялари хусусиятлари ўрганилди. ДТА термограммаларида аниқландики, СЭД-1 нинг оксидланиши МДЭ, САЭД-3, ТДЭ, МЦФЭ ва МФЭ ларга нисбатан анча юқори ҳароратда боради. СЭД-1 нинг термооксидланиш деструкциясидаги масса йўқотилишининг энг юқори тезлиги МДЭ, САЭД-3, ТДЭ, МЦФЭ ва МФЭ га нисбатан паст.

Реакцион қобилятга эга бўлган олигомерлар учун модификациялайдиган системани танлаш боғловчилар ишлаб чиқаришда асосий масалалардан бири ҳисобланади. Модификацияланган полимер матрицали полимер композицион материаллар (ПКМ) юқори эксплуатацион хусусиятларга эга бўлиши керак. Бунинг учун полимер матрицаси юқори реакцион қобилятга ва юқори молекуляр ҳаракатчанликка эга бўлиши керак. Бошқа томондан полимер матрицасига юқори ҳароратбардошлилик талаби кўйилади. Бу эса шишаланиш ҳароратининг оширилишини талаб қилади, ўз навбатида юқори шишаланиш ҳарорати молекуляр ҳаракатчанликнинг пасайишига олиб келади.


Шунинг учун юқори мустаҳкамлик ҳамда юқори ҳароратбардошлиликка эга бўлган полимер матрицаларни олишда тўрсимон структурали гибрид боғловчиларни қўллаш самарали ечим сифатида кўрсатилади.

Электрон микроскоп тажрибаси учун композитлар намуналари вакуум постида 10-20 нм қалинликдаги олтин қатлами сепилиб металлациялаштирилди. Тасвирларни таҳлил қилиш учун адабиётлардан фойдаланилди ҳамда OXFORD фирмаси рентген микроанализаторида микрозондлаш маълумотларидан фойдаланилди.


САЭД-3 маркали эпоксид олигомери асосида олинган композиция Электрон микроскопик ва элемент анализлари усулларида текширилди. Электрон микроскопия ёрдамида САЭД-3 нинг тузилиши ҳамда композициядаги миқдорини аниқлаш мумкин.

Электрон микроскопия ёрдамида металл сақлаган олигомернинг композиция структурасида қандай тақсимланишини аниқлаш мумкин.

Намунани синашда аввало уни туткичга маҳкамлаб сўнг намунани тўсдик. Тажриба QUORUM Q150 RS жихозида амалга оширилди.



**11-расм.** Электрон-микроскопик анализ маълумотлари.



**12-расм.** Элемент анализи маълумотлари

11-расмда олигомер композицияси структурасида бир қатламда турли элементларнинг жойлашганлиги ва қандай тақсимланганлигини кўриш мумкин. Расмда металл тутган олигомерлар асосидаги композитларнинг электрон-микроскоп анализлари натижалари кўрсатилган.

12-расмда олигомер юзасида фосфор, азот ва металнинг алоҳида ва бирга тақсимланишини кўриш мумкин. Шу билан бирга композициянинг яхши аралашганлигини кўриш мумкин.

Эпоксид смолалари электризоляция хусусиятига эга компаундлар, турли лок-бўёқ материаллари сифатида ишлатилганидек турли функционал соҳаларга мўлжалланган композит материалларни олиш учун боғловчи сифатида ҳам қўлланилади.


Бизнинг Республикамизда маҳаллий хом-ашёлар асосида самарали эпоксид смолаларини яратиш долзарб мавзу ҳисобланади. Фосфор тутган (эпихлоргидрина (ЭХГ) фосфор и азотсақловчи аддукт билан) АЭД-2 маркали олигомер асосида синтез қилинган янги полифункционал эпоксид

смогалари бирга қўлланилганида олигомер боғловчининг синергизм эффектига асос бўлади.

Эпихлоргидриннинг (ЭХГ) фосфор ва азотли аддукт билан таъсирлашувидаги полимерланиш жараёнини ўрганиш илмий ҳамда амалий аҳамият касб этади. ЭХГ нинг баъзи фосфор ва азотли бирикмалар билан таъсирлашуви реакциясида ўз-ўзидан полимерланиш жараёни бориши аниқланди. Бу изланишлар турли гуруҳлар хусусиятининг ўз-ўзидан полимерланиш жараёнига таъсирини намоён этади. Композицион материалларни олиш учун золдирли тегирмонда 50 мкм ўлчамли фракциягача майдаланган, турли конлардан олинган Брусит минерали, боғловчи сифатида эса фосфор ва азот тутган АЭД-2 маркали эпоксид смоласи ва юқори босимда олинган полиэтилен (ПЭВД) ишлатилди. Полимер матрицасида тўлдирувчининг масса улуши 40 масса қисми ташкил қилади. Бу кўрсаткич брусит тўлдирувчисининг АЭД-2 ва полиэтилен боғловчилари асосидаги композицияни олишда оптимал миқдор эканлиги ушбу ишларда исботланди. Тўлдирувчининг таъсири физик-механик ва кимёвий хусусиятларнинг ўзгариши орқали баҳоланди

Фойдаланилган тўлдирувчини электрон микроскопия усулида ўрганиш шуни кўрсатдики, брусит заррачалари учун уларнинг заррачалар агрегацияси характерлидир. Бу эса ўз навбатида заррачалар юзасининг ўта фаол эканлигидан далолат беради (13-расм).

Ишда брусит, АЭД-2 ва F-0220S (ПЭВД) маркали полиэтилен асосида ўта тўйинган композициялар олиш синовдан ўтказилган. Бу синов олинаятган махсулот таннархининг пастлиги билан юқори даражада тўлдирилган композицион материаллар олишда аҳамиятлидир.



**13-расм. Оптик микроскопия:** (А) Брусит, турли фракцияли  $\leq 50$  мкм. (Б) Боғловчи сифатида АЭД-2 маркали эпоксид смоласи ва полиэтилен (ПЭВД) ишлатилганда брусит асосидаги композицион материал.

Суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи (ПТР) бўйича аниқланадиган реалогик хоссаларни баҳолаш шуни кўрсатдики, композициянинг оқувчанлик кўрсаткичи ортади аммо олинган композитларни босим остида қуйиш усулида қайта ишлаш мумкин (3-жадвал).

Брусит, АЭД-2 ва ПЭВД асосида олинган композициянинг электрон микроскопик ва элемен анализлари ўрганилди. Композицияда бруситнинг миқдори полимернинг умумий массасининг 40%ини ташкил қилади. Электрон микроскопия ёрдамида брусит ва АЭД-2 ҳамда ПЭВД

композициясининг қандай структура ҳосил қилиши ва миқдорларини аниқлаш мумкин.


Композиция намуналари олинган. Бу намуналар 40% гача магний гидроксид минерали асосидаги брусит сақлаган композиция намуналаридир.

### 3-жадвал


#### Композиция суюқланмасининг оқувчанлик кўрсаткичи (ПТР) нинг таркибига боғлиқлиги.

Композиция таркиби, масс. қ.	Суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи (ПТР), г/10 мин
ПЭВД	1,5-2,5
ПЭВД+40% брусит	0,5-0,8
ПЭВД+АЭД-2+40% брусит	0,8- 1,2

Композиция намуналари олинган бўлиб. Ушбу намуналар ўзида 40 % гача магний гидроксиди асосидаги брусит минералини сақлаган.



14-расм. Электрон-микроскопик анализ натижалари



15-расм. Элемент анализ натижалари

F-0220S маркали полиэтилен асосидаги намуна электрон микроскоп ёрдамида 350 карра катталаштирилганда унинг юзасида аралашта излари кўринмади, аммо стандарт намунага нисбатан баъзи ўзгаришлар аниқланди. Бу ўзгаришлар намунада тўлдирувчиларнинг борлиги билан ифодаланади.

Фосфор, азот ва магний сақлаган эпоксид смолаларига хос бўлган брусит, АЭД-2 ва F-0220S маркали полиэтилен (ПЭВД) асосида композициялар олинди

14-расмда полимер композиция структурасида бир хил қатламда турли элементларнинг борлигини ва тақсимланганлигини кўриш мумкин.

Расмда фосфор, азот ва металл сақлаган полимерлар асосидаги композициялар электрон микроскопик анализларининг натижалари кўрсатилган.

15-рамда фосфор, азот ва металнинг полиэтилен юзасида бирга ҳамда алоҳида тақсимланганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек композициянинг яхши аралашганлигини кўриш мумкин.

Электрон микроскоп ва элемент анализлари натижалари шуни кўрсатдики, композициялар полимерлар билан жуда яхши аралашади.

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, фосфор, азот ва металл тутган эпоксид смолаларини кўшиб

олинган полиэтилен композицияси бошқа композицияларга нисбатан юқори натижаларни намоён қилади.

Бруситни фосфор, азот ва металл тутган эпоксид смоласи ва полиэтилен матрицаси учун тўлдирувчи сифатида қўллаш мумкинлиги исботланди.


Брусит, АЭД-2 ва полиэтилен (ПЭВД) асосида композициялар олиш уларнинг физик-кимёвий ҳамда ҳароратбардошлик, оловбардошлик каби хоссаларини яхшилайти.

Электрон микроскопия ва элемент анализи натижалари шуни кўрсатадики, композициялар олигомерлар билан жуда яхши аралашади.

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда фосфор, азот ва металл тутган эпоксид боғловчиларини қўшиб олинган композиция бошқа композицияларга қараганда жуда яхши натижаларга эга эканлигини хулоса қилиш мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи «**Қоплама ва тўқилган композит материаллар учун эпоксид композитлар олиш технологиясининг схемаси**» бобида эпоксид смолаларини ишлаб чиқариш технологияси муҳокама қилинган.

Эпоксид олигомерларини таклиф этилган усул бўйича олишда 4-реакторга фосфор тутган бирикмалар (аммофос аддукти), эпихлоргидрин ва катализатор солинади. Реакцион аралашма атмосфера босимида  $90^{\circ}\text{C}$  да икки соат давомида қиздирилади. Олинган эпоксид олигомерини нейтраллаш учун 4-реактордан 5-сифимга олинади. Нейтраллаш учун 6-сифимдан 5-сифимга натрий карбонат юборилади. Нейтралланган олигомер қурутиш камерасида қурутилади.



**16-расм. Эпоксид смоласи олишнинг технологик схемаси:**

- 1- катализатор учун сифим; 2- фосфор тутган бирикма учун сифим;  
3-эпихлоргидрин учун идиш; 4-Реактор; 5-нейтралловчи идиш; 6- натрий карбонат учун сифим; 7- қурутиш камераси.

Олинган эпоксид композитлар юқорида кўрсатилганидек, елим ва саноатнинг турли соҳаларида (қурилиш, машинасозлик, электротехника) ишлатишга таклиф қилинмоқда.

Олинган эпоксид олигомерларини жорий қилганда умумий иқтисодий самарадорлик ҳисобланди.

Олинган эпоксид олигомерларини елимлар ва композицион материаллар олишда ишлатгандаги иқтисодий самарадорликни баҳолаш махсулотнинг

тан нархи ва шу махсулотнинг импорт қилинаётган аналоглари тан нархи билан солиштиришдан кўринади.

Эпоксид олигомерлари елим сифатида “Kafolat rezina” МЧЖ корхоналарида синовдан муваффақиятли ўтди.

4-жадвалда САЭД-3 эпоксид олигомери асосида 1 тонна елим герметик ишлаб чиқариш учун нархлар структураси кўрсатилган.

#### 4-жадвал

##### САЭД-3 эпоксид олигомери елим герметиги нархлари структураси

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бир бирлик учун нарх, сўм	Умумий қиймат, сўм
1	САЭД-3 эпоксид олигомери	кг	1000	6454,140	6454140
Жами					6454140

#### 5-жадвал

##### Чет эл АМ-05 маркали эпоксид олигомери елим композитлари нархлари структураси

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бир бирлик учун нарх, сўм	Умумий қиймат, сўм
1	Эпоксид елим композит — АМ-05	кг	1000	12400	12400000
Жами					12400000

4-жадвалдан кўриниб турибдики САЭД-3 эпоксид олигомери асосида 1 тонна елим герметик ишлаб чиқариш учун 6454,14 минг сўм миқдордаги материаллар сарфланади.

5-жадвалдан кўриниб турибдики эпоксид елим композитлари асосида 1 тонна герметик ишлаб чиқариш учун 12400 минг сўм миқдордаги материаллар сарфланади.

Шундай қилиб, САЭД-3 эпоксид олигомери асосдаги елим герметиклар ишлаб чиқариш текширувларидан мувоффақиятли ўтди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, САЭД-3 эпоксид олигомери асосдаги елим герметикларни қўллашдаги иқтисодий самарадорлик қурилиш, транспорт ва электротехника соҳасида ишлатиладиган материалларнинг ишлаш муддатини ошиши ва импорт ўрнини босиши билан белгиланади. САЭД-3 эпоксид олигомери асосдаги елим герметикларни қурилиш ва транспорт материалларини химоялашда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

#### ХУЛОСА

1. Турли эпоксид смолалари асосдаги елимларни кимёвий йўл билан олиш, уларни қотириш ва механик хоссаларини кучайтириш технологиялари таклиф қилинади.

2. Турли қотирувчилар ёрдамида эпоксид смолаларини қотириш жараёни механизми ва юқори деформацион мустаҳкамликка ва адгезион хусусиятларга эга бўлган эпоксид смолаларини олиш имконияти кўрсатилган. изоцианат, полиэтиленполиамин, малеин ангидрид ва фтал ангидрид ёрдамида қотирилган эпоксид смолаларининг термик хоссалари ТГ ва ДТА анализ усуллари ёрдамида ўрганилди. Диизоцианатлар билан қотирилган эпоксид смолалари турли характердаги полимер тўр ҳосил қиладиган полиэтиленполиаминлар билан қотирилган эпоксид смолаларга нисбатан анча юқори термик ва релаксацион хоссаларга эга эканлиги изоҳланади.

3. Янги аниқ мақсадга йўналтирилган олигомер антипиренлар синтез қилиш учун фосфор тутган композитли эпоксид елимларнинг ёнғиндан ҳимояловчи жараён механизми таклиф этилади.

4. Деструкция жараёни дифференциал термик, электрон-микроскопик, элемент анализлари ёрдамида ўрганилди ва чет элдаги аналоглар билан солиштирилди.

5. Қотирилган фосфор, азот ва металл тутган эпоксид смоласининг фаза ўзгаришлари рентгенограмма ёрдамида кўрсатиб берилди.

6. СЭД-1, МДЭ, САЭД-3, ТДЭ, МЦФЭ, МФЭ, МАЦЭ и МЦДЭ маркали эпоксид смолаларининг металл юзасидаги адгезияси синовдан ўтказилди. Бу маҳсулотлардан олинган натижаларга қараб уларни чет элдаги аналогларга тенглаштириш мумкин. Бу қонуният макромолекула таркибида кутбли гуруҳлар мавжудлиги билан боғлиқлиги кўрсатиб берилди.

7. Олинган эпоксид елимларининг турли қотирувчиларини қоплама хусусиятларига таъсири ўрганилди. Модификация натижасида олигомер макромолекуласи турли адгезион-актив функционал гуруҳларга эга бўлиши кўрсатиб берилди.

8. Елим композицияларининг структура ҳосил қилиши ва уларнинг фосфор, азот сақлаган бирикмалар билан модификацияланган эпоксид смолалари асосида олинган композициянинг адгезион мустаҳкамлигига таъсири қонунияти таклиф этилади.

9. Композицияни модификациялашда ҳосил бўлган плёнка юзасининг структураси ўрганилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, модификациядан сўнг плёнка юзасининг эгилиши содир бўлади. Бу структуравий эффект тасир юзасининг ошиши ҳисобига ёпишишда юқори мустаҳкамликни намоён этиши кўрсатиб берилди.

10. Маҳаллий хомашёлар асосида таркибида азот, фосфор, олтингугурт ва металл тутган эпоксид олигомерлар олиш технологияси ишлаб чиқилди ва «Kafolat rezina» МЧЖ корхонасида синовдан ўтказилди ҳамда олинган эпоксид олигомерларни юқори адгезияга эга, атмосфера ва агрессив муҳитларга чидамли герметиклар ишлаб чиқаришда қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.29.12.2018.Т.78.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ И ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ  
ТЕХНОЛОГИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

**ЭРКАЕВ АРДАШЕР МАМАРАХИМОВИЧ**

**ПОЛУЧЕНИЕ И ВНЕДРЕНИЕ ЭПОКСИСОДЕРЖАЩИХ  
СОЕДИНЕНИЙ НА ОСНОВЕ МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ**

**02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/T557.**

Диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.terstu.uz](http://www.terstu.uz) и информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Научный руководитель:** **Нуркулов Файзулла Нурмунинович**  
доктор технических наук

**Официальные оппоненты:** **Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич**  
доктор технических наук, профессор  
**Сидиков Абдужалил Сидикович**  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:** Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в «\_\_» часов на заседании Ученого совета PhD.29.12.2018.T.78.01 при Термезском государственном университете и Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета и Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии за № \_\_\_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г.).

**А.Т. Джалилов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученой степени,  
д.х.н., профессор, академик

**С.З.Ходжамкулов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени, к.т.н., доцент

**Х.Ч. Мирзакулов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученой степени, д.т.н. профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире для создания герметиков, модификаторов и антикоррозионных покрытий несомненный интерес представляют эпоксидные олигомеры. Потребление отверждающихся эпоксидных олигомеров в химии, в наше время, достигает большого объема их производства. Доля потребления модификаторов на основе эпоксидных олигомеров в химическом секторе 60 %. Это обусловлено высокими физико-механическими и эксплуатационными свойствами и стойкостью к агрессивным средам и широким интервалом температур эксплуатации клеев.

На сегодняшний день во всем мире, уделяется внимание исследовательским работам, направленным на повышение качества и эффективности использования азот-, фосфор- и серосодержащих эпоксидных олигомеров и полимерных материалов. В этом аспекте определенный научный и практический интерес представляют реакционноспособные эпоксидные олигомеры, содержащие функциональные группы азота, фосфора и серы. При этом азот, фосфор и серосодержащие олигомеры могут быть эффективно использованы с целью получения высокоэффективных герметиков, модификаторов и антикоррозионных покрытий. Изучение процесса синтеза этих олигомеров, их физико-химические характеристики, а также возможные области применения и разработка технологии являются актуальными.

В Республике достигнуты научно-практические результаты модернизации химической промышленности, перевод на местные сырьевые базы производственных предприятий и разработка технологий получения импортозамещающих новых композиционных материалов. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»<sup>1</sup>. В этой связи приобретает важное значение создание высокоэффективных и экологически чистых технологий для получения герметизирующих материалов на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3246 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности», №ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», №

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

ПП-4256 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** Научным исследованиям по развитию синтеза и модификации эпоксидных олигомеров и полимерных композиций были посвящены работы Baljinder Kandola, Robert M. Waymouth, Kenneth A. Ellzey, W. Millins, P. K. Patra, R. Kerry Rowe, De-Yi Wang, Ю. Н. Хакимуллин, А. К. Микитаев, Н. А. Кейбал, В.Ф. Каблов, А.Т. Джалилова, А.С. Ибодуллаева, Ф.А. Магруппова.

Основные направления в развитии технологии герметиков, антикоррозионных покрытий и огнестойких материалов направлены на модификацию эпоксидных олигомеров для повышения эффективности строительных и промышленных композитов. Увеличение срока службы железных и полимерных конструкций, улучшение их эксплуатационных качеств неотделимы от решения общей задачи дальнейшего повышения качества строительства и промышленных железных конструкций.

Вместе с тем, приоритетным направлением по повышению качества клеев, антикоррозионных покрытий и огнестойких материалов являются исследования в области использования органических модификаторов индивидуального и полифункционального действия. Модифицирование эпоксидных смол, антикоррозионных покрытий и огнестойких материалов является наиболее доступным и простым способом существенного повышения эффективности клеев, покрытия металлов и огнестойкой древесины, полимеров и может быть успешно использовано для этих целей.

